

## КЎЧИРМА

30 апрель 2021 йил.

Қатнашдилар: 81 Кенгаш аъзоси  
Қатнашмадилар: 7 Кенгаш аъзоси

## КУН ТАРТИБИ:

6. 2020-2021 ўқув йилидан бошлаб талабаларни Александр Файнберг номидаги махсус стипендияга тавсия этиш тўғрисида.

**Эшитилди:** Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор, доц. Х.Ҳақимовнинг ахбороти: Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги “Атоқли адиблар ва мутафаккирларимиз ижодий меросини ёшлар ўртасида тарғиб қилиш ҳамда Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 502-сонли хати ижроси юзасидан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари ўртасида Адиблар номидаги махсус стипендия танловининг факультет босқичи ўтказилди.

Махсус стипендия тегишли адибнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, фаолиятини ёритиш, илмий тадқиқ қилиш ҳамда тарғиб этиш йўналишида изланиш олиб бораётган, адабиёт ва китобхонликни кенг тарғиб қилаётган, бунга доир конференцияларда қатнашган, алоҳида фаоллик кўрсатган талабалар орасидан танлаб олинди.

Мазкур масала жорий йилнинг апрелида маънавият ва маърифат Кенгаши йиғилишида кўриб чиқилган ва тегишли қарор қабул қилинган. (Расмий ҳужжат илова қилинади).

Вазирлар Маҳкамасининг мазкур хати ижроси юзасидан Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабалари ўртасида А.Файнберг номидаги стипендия танловининг факультетлар босқичи ўтказилди. Ҳар бир факультет Кенгашлари “Адиблар номидаги махсус стипендия”га юқоридаги тартиб ва мезонлардан келиб чиққан тарзда, 1 нафардан иқтидорли талабаларни тавсия этди.

Номзодликка университетнинг кундузги таълим шаклида таҳсил олаётган бакалавриатуранинг 1-3-курс ҳамда магистратуранинг 1-курс талабалари иштирок этди. А.Файнберг асарлари асосида “Энг яхши китобхон талаба”, “Энг яхши мақола муаллифи”, “Энг яхши иншолар танлови муаллифи” мавзуларида танловлар ташкил этилди. Номзодлар ўртасида А.Файнберг ҳаёти ва ижоди бўйича тест синовлари ўтказилди.

Махсус стипендияга номзодлар Александр Файнбергнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш, фаолиятини ёритиш, илмий тадқиқ қилиш ҳамда тарғиб этиш йўналишида изланиш олиб бораётган, адабиёт ва китобхонликнинг кенг тарғиботида иштирок этаётган, адабиёт ва китобхонликка доир конференцияларда қатнашган, университетнинг умумий ҳаётида фаоллик кўрсатган талабалар орасидан танлаб олинди.

А.Файнберг номидаги махсус стипендияга университет талабалари орасидан талабгорларни танлаб олиш учун ҳар бир факультетда таълим йўналишлари ва адабиёт соҳасидаги мутахассислардан иборат танлов комиссияси тузилди.

А.Файнберг номидаги махсус стипендия номзодлигига ҳар бир факультетнинг танлов комиссиялари берган маълумотлари ҳамда юқоридаги тартиб ва мезонлардан келиб чиққан ҳолда йиғилиш иштирокчиларининг 3/2 қисмининг овоз бериши натижасида иқтидорли талабалар тавсия этилди.

**Ректор У.Азизов:** Бириктирилган атоқли адибларнинг ҳаёти ва ижодини чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб қилиш бўйича тадбирлар ўтказилиши мақсадга мувофиқдир. Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш ва университетда адаблар ижодини ўрганиш ишларини оммавий ахборот воситаларида, ижтимоий тармоқлар ва университет веб-сайтида кенг ёритиб борилишиги жиддий эътибор қаратилсин. Ёшлар ўртасида адиблар ижодий меросини кенг тарғиб қилиш, уларнинг адабиётга қизиқишларини янада ошириш, рағбатлантириш муҳимдир. Бунда фаолиятни Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 502-сон қарорига мувофиқ тасдиқланган Тошкент шаҳридаги Адиблар хиёбонидан самарали фойдаланиш ва таълим муассасаларида адиблар ижодини ўрганиш



бўйича чора-тадбирлар режасига мувофиқ олиб бориш керак. Университетнинг илмий-адабий маслаҳатчиси этиб, ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлим бошлиғи Э. Боборажабовнинг номзоди тавсия этилган, бажариладиган ишлар Вазирлар Маҳкамасининг қарорида келтирилган. Жамоатчилик асосида фаолият юритади, бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан рағбатлантирилади.

Кенгаш йиғилиши

### ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Ёшлар билан ишлаш бўйича проректор, доц. Х.Ҳақимовнинг Александр Файнберг номидаги махсус стипендияга ўтказилган танлов бўйича ахбороти маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Ўтказилган танлов натижалари бўйича Александр Файнберг номидаги махсус стипендияга инглиз тили 1-факультети 2-курс талабаси **Ирода Маъруф қизи Гафурова**, инглиз тили 2-факультети 3-курс талабаси **Иродахон Неъматжон қизи Рустамова**, филология факультети 1-курс талабаси **Дилшода Ойбек қизи Ҳақимова**, таржимонлик факультети 2-курс талабаси **Зарина Баходир қизи Бурхонова**, роман-герман филологияси факультети 2-курс талабаси **Манзура Музаффаровна Мансурова**, рус филологияси факультети 2-курс талабаси **Хайриниса Расул қизи Джуманиязова**, халқаро журналистика факультети 2-курс талабаси **Нигора Одилжон қизи Абдуқодирова**, қуйи курслар факультети 1-курс талабаси **Феруза Абдувахобовна Исमतовалар** лойиқ, деб топилсин.

3. Мазкур қарор ижроси назорати ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлим бошлиғи, илмий-адабий маслаҳатчи Э.Боборажабов зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси

Кенгаш котиби



У.Азизов

Л.Абидова